



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 21 yil « 10 » февраль

№ 61

Toshkent sh.

Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосига босқичма-босқич тўлиқ ўтишни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 yил 20 октябрдаги ПФ-6084-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосига босқичма-босқич тўлиқ ўтишни таъминлаш бўйича “йўл харитаси” 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.
2. Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосига босқичма-босқич тўлиқ ўтишни таъминлаш бўйича республика ишчи гуруҳи 2-иловага мувофиқ таркибда тузилсин.
3. Ишчи гуруҳи:

уч ҳафта муддатда масъул вазирлик, идора ва ташкилотлар раҳбарлари иштирокида видеоконференцалоқа воситаларидан фойдаланган ҳолда мажлис ўтказиб, мазкур қарорга мувофиқ амалга оширилиши лозим бўлган ишлар тўғрисида ахборот берсин ҳамда **ҳар чоракда ижросини мухокама қилсин**;

“Йўл харитаси”да белгиланган топширикларга масъул этиб белгиланган вазирлик, идора ва ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштиrsин, улар томонидан бажарилган ишлар тўғрисидаги ҳисоботларни эшлитиб борсин;

ушбу топширикларни бажаришда юзага келадиган масалаларни тезкорлик билан ҳал этиш чораларини кўрсин ҳамда уларнинг ўз муддатида ва сифатли бажарилишини таъминласин.

“Йўл харитаси”ни бажаришга масъул бўлган вазирлик, идора ва ташкилотлар ўзларига юклатилган вазифа ва топширикларни ўз вактида, сифатли ва тўлиқ бажарилишини таъминласин, шунингдек, уларнинг ижро этилиши ҳолати тўғрисида **ҳар чорак якуни бўйича Вазирлар Маҳкамасига ахборот тақдим этиб борсин**.

4. Вазирлик, идора ва ташкилотлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар доирасида, шунингдек, бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш билан боғлиқ масалаларга зарур маблағлар ажратишни назарда тутсин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Давлат тилини ривожлантириш департаменти зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири

А.Арипов



Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил “10” февралдаги 61-сон қарорига
1-илова

Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосига босқичма-босқич тўлиқ ўтишни таъминлаш бўйича
“ЙЎЛ ХАРИТАСИ”

T/p	Амалга ошириладиган тадбирлар	Ижро механизмлари	Ижро муддатлари	Молиялаштириш манбалари	Ижро учун масъуллар
I. Норматив-хукуқий базани такомиллаштириш					
1.	Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосига босқичма-босқич тўлиқ ўтишни таъминлашга қаратилган норматив-хукуқий хужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш .	1. Норматив-хукуқий хужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш бўйича ишчи гуруҳ тузиш. 2. Норматив-хукуқий хужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш ва кенг жамоатчилик муҳокамасидан ўтказиш. 3. Норматив-хукуқий хужжат лойиҳасини белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритиш.	2021 йил март 2021 йил апрель 2021 йил май	-	Фанлар академияси, Адлия вазирлиги, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Мактабгача таълим вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар
2.	Лотин ёзувидағи ўзбек алифбосининг янги таҳрири асосида “ Ўзбек тилининг имло қоидалари ”ни тасдиқлаш бўйича Ҳукумат қарори лойиҳасини ишлаб чиқиш.	1. Ҳукумат қарори лойиҳасини ишлаб чиқиш бўйича ишчи гуруҳ тузиш. 2. Ҳукумат қарори лойиҳасини ишлаб чиқиш ва кенг жамоатчилик муҳокамасидан ўтказиш. 3. Ҳукумат қарори лойиҳасини белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритиш.	2021 йил март 2021 йил сентябрь 2021 йил октябрь	-	Фанлар академияси, Адлия вазирлиги, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Мактабгача таълим вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар

3.	<p>Норматив-хуқуқий хужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш, юридик-техник жиҳатдан расмийлаштириш, келишиш ва киритиш тартибини белгилайдиган қонун хужжатларига лойиҳаларни лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосида тайёрлаш ва киритиш тартибини белгиловчи норматив-хуқуқий хужжат лойиҳасини (ложиҳаларини) ишлаб чиқиш.</p>	<p>1. Норматив-хуқуқий хужжат лойиҳасини (ложиҳаларини) ишлаб чиқиш бўйича ишчи гуруҳ тузиш. 2. Норматив-хуқуқий хужжат лойиҳасини (ложиҳаларини) ишлаб чиқиш ва кенг жамоатчилик мухокамасидан ўтказиш. 3. Норматив-хуқуқий хужжат лойиҳасини (ложиҳаларини) белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритиш.</p>	2021 йил март	-	Адлия вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар
4.	<p>Норматив-хуқуқий хужжатлар лойиҳаларини лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосидан келиб чиқсан ҳолда, илмий лингвистик экспертизадан ўтказишнинг ташкилий-хуқуқий асосларини белгилаш.</p>	<p>Норматив-хуқуқий хужжатлар лойиҳаларини илмий лингвистик экспертизадан ўтказишнинг қўйидаги механизмларини назарда тутувчи ташкилий-хуқуқий асосларини белгилаш: “илмий лингвистик экспертиза” тушунчаси, экспертизани ўтказишнинг мақсад ва вазифалари ҳамда объектини аниқлаш; илмий лингвистик экспертизага қўйиладиган асосий талабларни белгилаш; илмий лингвистик экспертизадан ўтказувчи ваколатли органлар ва уларнинг ваколатлари доирасини аниқлаш.</p>	2021 йил декабрь	-	Адлия вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар

5.	<p>Норматив-хуқуқий хужжатлар лойиҳалари мухокамаси порталига (regulation.gov.uz) жойлаштириш учун тақдим қилинган лойиҳаларнинг давлат тили қоидаларига ҳамда “Норматив-хуқуқий хужжатлар тўғрисида”ги Конун талабларига мувофиқлиги, шунингдек, лойиҳалар лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосида тайёрланганлиги текширилгандан кейин мухокамага чиқариш тартибини жорий этиш.</p>	<p>1. Норматив-хуқуқий хужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш бўйича ишчи гурӯҳ тузиш. 2. Норматив-хуқуқий хужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш ва кенг жамоатчилик мухокамасидан ўтказиш. 3. Норматив-хуқуқий хужжат лойиҳасини белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритиш.</p>	<p>2021 йил апрель 2021 йил октябрь 2021 йил ноябрь</p>		<p>Адлия вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар</p>
6.	<p>Ўзбек тили алифбоси ва имло қоидалари асосида транслитерацияга мўлжалланган ахборот дастурий таъминотлар учун ягона талаб ишлаб чиқиш ва жорий этиш.</p>	<p>1. Ягона талаб ишлаб чиқиш бўйича ишчи гурӯҳини тузиш. 2. Ягона талабни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш.</p>	<p>2021 йил декабрь 2022 йил январь</p>		<p>Фанлар академияси, Инновацион ривожланиш вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар</p>

II. Алифбо ва имлони ўқитиш, тарғиб қилишни ташкил этиш

7.	<p>Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбоси, имло қоидалари ва давлат тилида иш юритишни ўрганиш бўйича ўқув машғулотларини ташкил этиш.</p>	<p>1. Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети хузуридаги Давлат тилида иш юритиш асосларини ўқитиш ва малака ошириш маркази ҳамда унинг худудий бўлинмаларида лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбоси, имло қоидалари ва давлат тилида иш юритишни ўрганиш бўйича ўқув курсларини ташкил этиш.</p> <p>2. Тегишли вазирлик, идора ва ташкилотларнинг ўз тизимида таълим муассасалари ходимларини қайta тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институт (марказ)ларида онлайн ўқув машғулотларини ташкил этиш.</p> <p>3. Ўзбекистон Республикаси фуқароси шахсини тасдиқловчи гувохномалар, паспортларнинг такомиллаштирилган лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосида тўғри ёзилишини таъминлаш мақсадида соҳа ходимлари учун ўқув машғулотлар ташкил этиш.</p>	2023 йил январь	Малака ошириш учун берилган бюджет маблағлари	Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети
----	---	---	-----------------	---	--

8.	Оммавий ахборот воситалари, Интернет тармоғида лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосига тўлиқ ўтишнинг моҳиятини кенг ахоли қатламига тушунтириш мақсадида маҳсус дастурлар ҳамда тарғибот чиқишиларини изчил ташкил этиш.	1. Медиа режа ишлаб чиқиши. 2. Медиа режа асосида маҳсус дастурлар ҳамда тарғибот чиқишиларини изчил ташкил этиш.	2021 йил ноябрь 2022 йил 1 январдан бошлаб	-	Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, МТРК, ЭОАВМА, ЎзА, Фанлар академияси, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар
----	--	--	---	---	---

III. Ўқув-услубий адабиётлар, қўлланмалар ва уларнинг электрон дастурий таъминотларини тайёрлаш ва тарқатиш

9.	Таълим муассасалари учун ўқув қўлланмалар ва бошқа адабиётларни лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосида босқичмабосқич нашр этиб бориш.	Дарслик ва қўлланмалар чоп этиш бўйича дастур ва нашр режасига тегишли ўзгартиришлар киритиши.	Режа асосида	Ижрочилар маблағлари, ҳомийлик хайриялари, бошқа манбалар	Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Мактабгача таълим вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар
10.	Мактабгача ёшдаги болаларнинг лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбоси ва янги имло қоидалари бўйича саводхонлигини шакллантиришга мўлжалланган турли кўргазмали ва тарқатма материаллар тайёрлаш.	1. Тегишли материалларни ишлаб чиқиш режасини шакллантириши. 2. Тегишли материалларни нашр этиш ва тарқатиш.	2022 йил май 2022 йил сентябрдан	Ижрочилар маблағлари, ҳомийлик хайриялари, бошқа манбалар	Мактабгача таълим вазирлиги, Ахборот ва оммавий коммуникациялари агентлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар

11.	<p>Факультатив ва мустақил ўрганувчилар, шунингдек, вазирлик, идора ва ташкилотларда лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбоси ва янги имло қоидаларини ўрганишга мўлжалланган услубий кўлланма ва имло, атама, жой, киши номлари, ўқув луғатлари тайёрлаш ва нашр этиш.</p>	<p>1. Кўшма чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқиш. 2. Адабиётларни тизимли чоп этиб бориш.</p>	<p>2022 йил март Дастурга мувофиқ</p>	<p>Ижрочилар маблағлари, ҳомийлик хайриялари, бошқа манбалар</p>	<p>Фанлар академияси, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар</p>
12.	<p>Ахборот кутубхона марказлари, ташкилотлар ва бошқа кутубхоналарнинг лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосидаги адабиётлар билан босқичмабосқич бойитиб борилишини таъминлаш.</p>	<p>1. Ҳар бир вазирлик, идора ва ташкилотлар ўз тизими доирасида режа-дастур ишлаб чиқиш. 2. Режа-дастурга мувофиқ кутубхоналар фондини лотин алифбосидаги адабиётлар билан бойитиш.</p>	<p>2022 йил март Дастурга мувофиқ</p>	<p>Ижрочилар маблағлари, ҳомийлик хайриялари, бошқа манбалар</p>	<p>Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар</p>
13.	<p>Кирилл алифбосида чоп этилган ва кутубхоналарда сақланаётган адабиётларни босқичма-босқич лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосидаги электрон кўринишларини яратиш.</p>	<p>1. Чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш. 2. Кирилл алифбосидаги адабиётларни лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосига босқичма-босқич ўтказиш.</p>	<p>2022 йил август Дастурга мувофиқ</p>	<p>-</p>	<p>Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар</p>

14.	Кирилл ёзувидан лотин ёзувига (ёки аксинча) саводли ўгирадиган дастурий таъминотлар ҳамда уларнинг мобил иловаларини яратишни рағбатлантириш.	<p>1. Дастурий маҳсулотлар ва уларнинг мобил иловаларини яратиш бўйича тендер танловини ўтказиш.</p> <p>2. Дастурий маҳсулотлар ва уларнинг мобил иловаларини яратиш ва ишга тушириш.</p>	2022 йил июль 2022 йил декабрь	Жамғарма маблағлари	Ўзбек тилини ривожлантириш жамғармаси, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Фанлар академияси, Халқ таълими вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги
15.	Интернет тармоғидаги Ўзбекистон Республикаси расмий веб-сайтларининг лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосига тўлиқ ўтказилишини таъминлаш.	Давлат органлари, давлат иштирокидаги ташкилотлар ҳамда Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтган оммавий ахборот воситаларининг Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги веб-сайтлари ва саҳифаларида дастлабки юкланиш лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосида амалга ошишини таъминлаш.	2022 йил декабрь	-	Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар

IV. Янги алифбодаги ёзувда иш юритишга тўлиқ ўтиш

16.	Ўзбекистон Республикаси фуқароси шахсини тасдиқловчи гувоҳномалар, ID-карталар, фуқаролиги бўлмаган шахс ҳамда чет давлат фуқароларининг яшаш гувоҳномаларини такомиллаштирилган лотин	<p>1. Шахсни тасдиқловчи хужжатларга доир ахборот тизимларини такомиллашган лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосига мослаш.</p> <p>2. Шахсни тасдиқловчи хужжатлар расмийлаштиришни такомиллаштириш.</p>	2021 йил декабрь 2022 йил январь	-	Ички ишлар вазирлиги, Давлат персоналлаштириш маркази, Адлия вазирлиги
-----	--	--	---	---	--

	ёзувига асосланган ўзбек алифбосида бўлишини таъминлаш.				
17.	Ўзбекистон Республикасида илмий-тадқиқот ишлари натижалари юзасидан тайёрланган диссертациялар химояси билан боғлиқ жараёнларнинг лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосида бўлишини таъминлаш.	1. Тегишли талабларни ишлаб чиқиш. 2. Амалиётга жорий қилиш.	2022 йил ноябрь 2022 йил декабрь	-	Олий аттестация комиссияси, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги, Фанлар академияси
18.	Иш қоғозлари, турли бланкларни лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосида бўлишини таъминлаш.	1. Режа-жадвал ишлаб чиқиш. 2. Тўлиқ лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосида ёзилишини таъминлаш.	2022 йил ноябрь 2022 йил декабрь	Ижрочилар маблағлари, ҳомийлик хайриялари, бошқа манбалар	Вазирлик ва идоралар
19.	Мамлакатимиздаги жой, кўча, атамалар, ташкилотларнинг номлари, пешлавҳалар, оммавий тарғибот воситалари, реклама ва эълонларни тўлиқ лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосида ёзилишини таъминлаш.	1. Режа-жадвал ишлаб чиқиш. 2. Тўлиқ лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосида ёзилишини таъминлаш.	2022 йил ноябрь 2022 йил декабрь	Ижрочилар маблағлари, ҳомийлик хайриялари, бошқа манбалар	Вазирлик ва идоралар
20.	Марказий, маҳаллий босма ва электрон оммавий ахборот воситалари, интернет сайtlари, нашриётлар, матбаа корхоналари	1. Тегишли тарғибот-тушунтириш ишларини йўлга кўйиш.	2022 йил ноябрь	-	Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Миллий телерадиокомпания, ЭОАВМА, ЎЗА

	фаолиятини тўлиқ лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосига ўтказиш.	2. Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосига тўлиқ ўтилишини таъминлаш.	2022 йил декабрь		
21.	Ташкилий-хуқукий шаклидан қатъи назар, барча ташкилотларда иш юритиш хужжатлари ва бошқа хужжатларни лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосига ишлаб чиқиш, қабул қилиш ва эълон қилиш амалиётини тўлиқ жорий қилиш.	Давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосига иш юритишга тўлиқ ўтишини таъминлаш.	2023 йил 1 январдан бошлаб	Ижрочилар маблағлари, ҳомийлик хайриялари, бошқа манбалар	Вазирлик ва идоралар



Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил “10” февралдаги 61-сон қарорига
2-илова

**Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосига босқичма-босқич
тўлиқ ўтишни таъминлаш бўйича республика ишчи гуруҳи
таркиби**

- | | |
|-----------------------|--|
| 1. А.Н. Арипов | – Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири,
<i>Иичи гуруҳи раҳбари</i> |
| 2. А.А. Джурбаев | – Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг
ўринбосари (<i>келишиув асосида</i>) |
| 3. А.К. Кадиров | – Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг
ўринбосари (<i>келишиув асосида</i>) |
| 4. А.Ж. Раматов | – Бош вазирнинг биринчи ўринбосари |
| 5. Б.А. Мусаев | – Бош вазир ўринбосари |
| 6. Ж.А. Кўчқоров | – Бош вазир ўринбосари |
| 7. С.У. Умурзаков | – Бош вазир ўринбосари |
| 8. Ш.М. Фаниев | – Бош вазир ўринбосари |
| 9. А.А. Абдуҳакимов | – Бош вазир ўринбосари |
| 10. О.М. Умаров | – Бош вазир маслаҳатчиси |
| 11. О.К. Иминов | – Олий Мажлис Сенати Фан, таълим ва соғлиқни
сақлаш масалалари қўмитаси раиси (<i>келишиув асосида</i>) |
| 12. Э.А. Захидов | – Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Фан, таълим,
маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси
(<i>келишиув асосида</i>) |
| 13. Б.С. Йўлдошев | – Фанлар академияси президенти |
| 14. Р.К. Давлетов | – Адлия вазири |
| 15. Т.А. Ишметов | – Молия вазири |
| 16. А.В. Шин | – Мактабгача таълим вазири |
| 17. Ш.Х. Шерматов | – Халқ таълими вазири |
| 18. А.Ҳ. Тошқулов | – Олий ва ўрта маҳсус таълим вазири |
| 19. О.А. Назарбеков | – Маданият вазири |
| 20. А.А. Хаджаев | – Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги
директори |
| 21. А.З. Сайдуллаев | – Ёшлар ишлари агентлиги директори |
| 22. А.Ж. Хаджаев | – Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси раиси |
| 23. М.М. Ҳожиматов | – Республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбари |
| 24. С.С. Саидов | – Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси |
| 25. Ш.С. Сироҷиддинов | – Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили
ва адабиёти университети ректори |
| 26. Н.М. Махмудов | – Фанлар академияси Ўзбек тили, адабиёти
ва фольклори институти директори |
| 27. А.К. Қирғизбоев | – Вазирлар Маҳкамаси Давлат тилини ривожлантириш
департаменти мудири, <i>Иичи гуруҳи котиби</i> |

Изоҳ. *Иичи гуруҳи аъзолари бошқа ишига ўтган тақдирда унинг таркибига
ушибу лавозимга янгидан тайинланган ёки зиммасига тегишили функциялар юкланган
шахслар киритилади.*